

Farg`ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati



Халқаро китобхонлик фестивали:

МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУ ҒОЯ МАЙДОНИ



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН “ХАЛҚАРО КИТОБХОНЛИК ФЕСТИВАЛИ” ВА “CENTRAL ASIA – 2025: ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА БИЗНЕСДА ИНТЕРНЕТ ВА АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ НАҒАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗ, БАЛКИ ДУНЁ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА КАТТА ВОҚЕАГА АЙЛАНДИ.

Фестиваль ва конференция 50 га яқин давлатлардан ташриф буюрган китобсеварлар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маданият арбобларини бир мақсад, бир эзгу ғоя йўлида бирлаштирди.

Китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш, илмий ва маданий ҳамкорликни кучайтириш мақсад қилинган фестивал дастуридан юр-

тимиз ва хориж наشريётларининг китоблар кўргазмаси ва савдоси, шоир ва ёзувчилар билан ижодий учрашувлар, шеърхонлик кечалари, тақдимот ва викториналар, интеллектуал ўйинлар, спорт мусобақалари, “Болаларга китоблар совғаси” акцияси, “Маърифат-тур” лойиҳаси, театрлашган сахна асарлари намойиши, кўнгилочар маданий тадбирлар ўрин олди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистонда ички ишлар тизими:

КЕЧА ВА БУГУН

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОЙИЛИК



“АГАР ДАВЛАТ ТАЯНАДИГАН АСОСИЙ УСТУН ҚОНУН БЎЛСА, УНИНГ КУЧИНИ АМАЛДА НАМОЁН ЭТАДИГАН ЭНГ САМАРАЛИ ТИЗИМ, БУ – ИЧКИ ИШЛАР СОҲАСИ, ДЕСАК АЙНИ ҲАҚИҚАТ БЎЛАДИ”

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор

Мустақиллик бизга ўзлигимизни, тарихимизни, қадриятларимизни қайтариб берди. Асли кимлигимиз, илдишларимиз қайси булоқлардан сув ичиши, томиримизда кимларнинг қутлуг қони жўшиб оқаётганини ҳис қилдик. Уйғониш, ривожланиш, юксалиш палласини бошдан кечираётган халқимизнинг эртаси фаровон, ўрганиш, излаш йўлидан бораётган фарзандларимизнинг манзили ёруғ бўлиши барчамизнинг олий мақсадимиздир.

(Давоми 2-бетда).

Қўқон: “Янги Ўзбекистон” массивида 83 та турар жой қад ростлайди



Мазкур йирик лойиҳа доирасида 10 ва 16 қаватдан иборат 83 та турар жойлар қад ростлайди. Айти кунларда 56 та уйларнинг қурилиши бошланди. Дастлабки кўп қаватли турар жойда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, массивда замонавий шоурум, бизнес марказ, мактабга таълим муассасаси, умумтаълим мактаби, олийгоҳ, меҳмонхона, савдо ва кўнгилочар

масканлар, кўп қаватли автотураргоҳ, маданий мерос маркази биноси, хизмат кўрсатиш объектлари, ёқилғи қуйиш шохобчаси ва бошқа аҳоли учун қўлай инфратузилмалар яратилади.

Яқинда авваллари маънан эскирган уйларда яшаб келган фуқаролар замонавийлик ва миллий андозлар уйғунлашган хонадонларга кўчиб киради.

Шаҳарда хиндистонлик инвесторлар билан ҳамкорликда 7 миллион АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига “Pharmacia” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилмоқда. Ҳозирда бу ерда сўнгги монтаж ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа ишга тушгач, тиббий буюмлар ва дори воситалар ишлаб чиқарилади, 60 га яқин иш ўрни яратилади.

Ўз мухбиримиз.



Журналистик
СУРИШТИРУВ

Фарғона вилояти “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” МЧЖ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРМИ?



■ БУ ҲОЛАТНИ ФАҚАТ ФАРҒОНАДА ЭМАС, МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ КУЗАТАСИЗ. ИЛГАРИЛАРИ БОСМА НАШР – ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР СОТИЛАДИГАН КИОСК-ДУКОНЛАР ДЕЯРЛИ ҚОЛМАГАН. БОРЛАРИДА ЭСА ГАЗЕТА ЭМАС, КУНДАЛИК ЭХТИЁЖ МОЛЛАРИ СОТИЛМОҚДА. БОЗ УСТИГА, ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАР АДАДИ КЕСКИН КАМАЙИБ КЕТГАН.



НЕГА?



– ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР ОБУНАЧИЛАРНИНГ ҚЎЛИГА ВАҚТИДА ЕТИБ КЕЛМАЯПТИ. ШУНИНГ УЧУН ОБУНАЧИЛАР СОНИ КАМАЙИБ БОРМОҚДА, – дейди меҳнат фахрийси **ҒУЛОМЖОН МАДУМАРОВ.**



– ГАЗЕТАЛАР СОНИ КЎПАЙГАНИ БИЛАН ЖОЙЛАРГА ЕТИБ БОРМАЯПТИ. БИЗНИНГ ИДОРА “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛГАН. УНИ ЎҚИБ БОРАМИЗ. АММО ХОНАДОНИМ УЧУН БИР НЕЧТА ГАЗЕТАЛАРГА ОБУНА БЎЛГАНМАН. УЛАР КЕЛМАЯПТИ. ЙИЛ БОШИДА БИР НЕЧТА СОНИ КЕЛДИ. КЕЙИН ТАҚАТАҚ ТЎХТАДИ. ОДАМЛАР ОБУНА БЎЛМАЁТГАНИНИНГ САБАБИ ШУНДА БЎЛСА КЕРАК. ЧУНКИ У ХАЛҚ ИШОНЧИДАН ҚОЛДИ, – дейди Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими бошлигининг ўринбосари **ШАВКАТЖОН ТҮЙЧИЕВ.**

Қанчалар аччиқ бўлмасин, Ғуломжон ва Шавкат акаларнинг гапларида жон бор. Обуначилар тобора камайиб бормоқда. Бунинг устига, обуна ташкил этувчилар баъзи ҳолларда нашрларни умуман етказиб бермаяпти ёки жуда кеч етказилади.

Биз муаммони Фарғона вилояти “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” МЧЖ фаолияти мисолида ўрганмоқчи бўлдик.

– ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” МЧЖДА ЖАМИ ҚАНЧА ОДАМ ИШЛАЙДИ? – сўрадик жамият раҳбари **ҲАТИМА ҒОҒУРОВА**дан.
– ВИЛОЯТ БЎЙИЧА 30 НАФАР ХОДИМИМИЗ, БУНДАН ТАШҚАРИ, 25 НАФАР ТАРҚАТУВЧИЛАР БОР, – деди у.
– УЛАРГА БИРИКТИРИЛГАН НЕЧТА ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ МАВЖУД?
– 9 ТА. 30 ДАН ОРТИҚ ТУРДАГИ ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚИЛГАНМИЗ. У 10 МИНГ НУСХАДАН ОШАДИ.



(Давоми 2-бетда).

"ҚИЗИЛ" ДАН "ЯШИЛ"ГА ЎТИШ МУРАККАБ ЭМАС, ФАҚАТ...

АКСАРИЯТ ОДАМЛАР ФАРОВОН МАҲАЛЛА ДЕГАНДА, ЯШАШ УЧУН ҚўЛАЙ ШАРОИТЛАР МУЖАССАМ ЖОЙНИ ТУШУНАДИ. АСЛИДА, ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ИБРАТЛИ ЙўЛГА ҚўЙИЛГАН, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ МАВЖУД, АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН ҲУДУДДА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ҲУКМ СУРАДИ. БУ ОМИЛЛАР АЙНАН ОБОД ВА ФАРОВОН МАҲАЛЛА МЕЗОНЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИ САНАЛАДИ.



Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қаерда бепарволик ҳукм сурса, ўша ерда ҳуқуқбузарлик, жиноят кўпаяди.

Сўнгги йилларда маҳаллаларда ислохотлар қўлаи кенгайиб, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, айрим жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга эътибор сусайгани натижасида салбий ҳолатлар кўзатилаётгани ҳам бор гап. Жумладан, нотинч, носоғлом муҳитда яшаётган аҳоли ўртасида жиноятчилик авж ола бошлади.

(Давоми 3-бетда).



Фарғона вилояти “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” МЧЖ ишончли ҳамкорми?

(Бошланиши 1-бетда).

Ҳўш, Фарғона вилояти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ орқали газета-журналларга обуна бўлганлар нима дейди? Биз бир неча туманларда ўнлаб обуначи ташкилотларда бўлдик. Наشرлар етказиб берилиши, обуна учун тўловлар аҳволи билан танишдик. Қўлимизда 60-70 саҳифа ҳужжатлар нусхалари бор. Айтиш лозимки, биз билан сўхбатда бўлган обуначиларнинг аксарияти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ хизматидан норози. Газета-журналлар кеч, жуда кеч келтирилади, баъзи жойларга эса умуман берилмайди, ҳатто шартномадаги тўлов амалга оширилган бўлса-да. Масалан, Учалўлик туманидаги 2-сонли политехникумни ойлик.

– 16 турдаги нашрга 5 нусхадан обуна қилинган, – дейди ахборот-ресурс маркази раҳбари Нодира Тوشболтаева.

– Ҳужжатда “Тарбиячи”, “Шарқ юлдузи”, “Маънавий ҳаёт” ва “Тафаккур” журналларига обуна бўлишнинг кўрсатилган, лекин бу журналлар кўринмаёпти. Нега?

– Сиз айтган журналларга, дарҳақиқат, обуна бўлганмиз. Аммо улар мана май ойи келди, таълим муассасасига етказиб берилмади.

– 2025 йил учун 16 турдаги газета-журналларга обуна бўлганмиз, – дейди техникум директори ўринбосари Ҳамидхон Мирзаева. – Обуна уюштирган “Матбуот тарқатувчи” МЧЖга обуна учун 1,3 миллион сўм ортиги билан ўтказиб берганмиз.

Бағдод спорт мактабида ахвол бундан ҳам ёмон.

– “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ орқали обуна бўлганмиз. “Янги Фарғона” ва “Янги Ўзбекистон” газеталарини олиб келишадими, – дейди иш юритувчи Назирахон Бойтўраева.

– Шартномага кўра, 9 хил газета-журналга обуна бўлишган экан. Уларни оласизларми, келтириб беришадими?

– Менга олиб келиб беришадигани шу, қолганини билмайман.

– Ҳар бир газетадан нечта нусхадан олиб келишадигани биласизми? – деб яна сўрадик биз. Назирахон Бойтўраева ҳеч ўйланмай шундай деди:

– Йўқ, билмайман.

Балки, Бағдод спорт мактаби обуна ҳақини тўламагандир, деб ўйларсиз?

– 2025 йил учун “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ билан шартнома тузиб, 12 та газета ва журналга обуна бўлганмиз. Пули тўлаш ўтказилган, – дейди спорт мактаби директори Дониёр Усмонов.

– Шартномада “Фарғона ҳақиқати” газетаси ва “Жаҳон адабиёти” журнаliga обуна бўлишнинг кўрсатилган. Пулини ҳам тўлиқ ўтказибсизлар. Лекин бу газета ва журнал сизларга етказиб бериляптими?

– “Фарғона ҳақиқати” газетаси ва “Жаҳон адабиёти” журнаli ҳалигача келмади. Май ойигача олмадик, – дейди Дониёр Усмонов ҳайратини яшира олмай.

Олтириқ саноат ва технологиялар техникумидаги ахвол ҳам ташвишли. Улар “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ билан бир эмас, икки марта обуна бўйича шартнома тузганлар. Унга кўра, марказий ва маҳаллий газета-журналлар етказиб берилиши лозим эди.

– 7 та номдаги газетани бизга “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ ходими олиб келди, – дейди кутубхоначи Дилфўзхон Мамадалиева.

– Бизга охириги марта келтирилган газеталар мана шулар. Буларни ҳафтада бир олиб келишадими, – дея тахминларни кўрсатди техникум директори Улўбек Жомиев.

Биз тахламдаги сўнгги келтирилган газеталар саноати билан қизиқдик. Апрель ойининг 16-23 кунлари чоп этилган газеталар май ойининг 6 кунидан кейин келтирилган экан. Шу ерда шартномадаги рўйхат ва тахминларни таққосладик. “Водий ёшлар олами” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари рўйхатда бору, тахламда йўқ эди.

– Буларни ичиди “Жаҳон адабиёти” журнаli кўринмаёпти-ку, – деб техникум директорини саволга тўтдик.

– “Жаҳон адабиёти” журнаlinи шу кўнғача олмадик. “Шарқ юлдузи”нинг эса битта сони келди, холос, май ойига. “Жаҳон адабиёти” журнаlinи эса негандир олиб келишмади, – Улўбек Жомиев ҳам бу ҳолатдан хайрон бўлиб қолди.

– “Жаҳон адабиёти” журнаli нега келтирилмади деб “Матбуот тарқатувчи” МЧЖдан сўрамадингизми?

– “Матбуот тарқатувчи” МЧЖга мурожаат қилдим. 5 ой бўлди мана, келмапти-ку, деб сўрадик. Улар эса “Журнал редакциядан келгани йўқ бизга”, деб жавоб беришди.

Аслида яна Қува, Қўштепа туманлари, Марғилон, Қувасой, Фарғона шаҳарларида ҳам вазиятни ўрганган эдик ва барча ерда ахвол бир хил. Обуна учун шартнома тузилган, обуна ҳақи тўланган, лекин айрим газета ва журналлар, масалан, “Жаҳон адабиёти” журнаli, “Фарғона ҳақиқати” газетаси етказиб берилмаган. Бунинг сабабини ҳар икки нашр бош муҳаррирларидан билдик.

– Фарғона вилояти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ билан юзага келган ноҳуш вазият хусусида, – дея сўзини бошлади “Жаҳон адабиёти” журнаlinинг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев. – Ушбу ташкилот 2023 йил учун “Жаҳон адабиёти” журнаliga обуна уюштириб, обуначилардан йилгилан маблағни таҳририятга тўла ўтказиб бермади. Обуна пулининг 19.133.800 сўми 2024 йил давомида ҳам таҳририят ҳисобига келиб тўшмади.

2024 йили ушбу ташкилот январь-март ойлари учун 412 та, апрель-июнь ойлари учун 300 та обуна ташкил этган, аммо обуна пулининг 74.760 000 сўми бизга етдиб келмади. Жами қарздорлик 93.893.000 сўми ташкил этди. Бизнинг қўллаб оғзаки ва ёзма мурожаатларимизга МЧЖ раҳбарияти жавоб қайтармади. Қандайдир сирли, тушунарсиз вазият юзага келди. Шу боис, вилоят мактаблари учун журнал чоп этишни 2024 йил июль

ойидан тўхтатишга мажбур бўлдик ва бу хусусда вилоятнинг тегишли ташкилотларига ҳамда МЧЖ раҳбариятига маълум қилдик. Таҳририятга Фарғона вилояти ташкилотларидан “Биз 2024 йил учун бир йиллик обунага пул ўтказганмиз, аммо журналнинг июль-декабрь сонлари келмади”, деган эътирозлар бўлди. Агар шундай бўлса (буни аниқлаш қийин эмас), иккинчи арим йиллик учун ўндирилган маблағ қаёққа кетди?

Ахвол мурракблашганидан кейин журнал номидан 2025 йил 14 февраль куни Фарғона шаҳар туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритдик. Журнал ҳисобига 60.000.000 сўм пул келиб тушди. Қолган 19.733.800 сўмдан ҳануз дарак йўқ. Бундай ишлаш мумкин эмаслигини тушунгач, биз 2025 йилда ушбу жамият билан мутлақо шартнома тузмасликка қарор қилдик. 2025 йилнинг 1 майи ҳисобига бу ишончсиз ташкилот билан бир нусхага ҳам шартнома тузмаганмиз ва тузмаймиз ҳам. Журналнинг январь-март ойлари сони босмадан чиқди, апрель ойи ақинда журналхонлар қўлига бориб етади. Бизга келаётган маълумотларга қараганда, Фарғона “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ 2025 йил учун журналимизга обуна уюштириб, обуна баҳосини кескин ошириб, ташкилотлардан пул тушираётган экан. Содда обуначиларга МЧЖ журналнинг дастлабки тўртта сонини қаердан олиб беради?

Бу саволга тегишли ташкилотлар қизиқиб қоладилар, деган умиддамиз. Шу билан бирга, вилоят маданий-маърифий ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртли раҳбарларини обуна масаласида ушбу масъулияти чекланган жамияти билан эмас, бошқа инфосли, диёнатли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга қаҳқарамиз.

– “Фарғона ҳақиқати” газетаси таҳририяти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ билан 2025 йилга обуна ташкил қилиш ҳақида ўзаро шартнома тузмаган, – дейди “Фарғона ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири Рустамжон Орипов. – Шу сабабли, “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ 2025 йилнинг 1 январидан ҳозирги кунга қадар “Фарғона ҳақиқати” газетасидан биронта ҳам олмаган.

Ана ҳолок! “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ “Жаҳон адабиёти” журнаli ҳамда “Фарғона ҳақиқати” газетаси таҳририяти билан обуна ташкил этиш ҳақида шартнома тузмаган, шунинг учун ҳар икки таҳририят “Матбуот тарқатувчи”га ўз наشريни бермаса-да, масъулияти чекланган жамият обуначиларни алдаб, яна қандай сўз ишлатиш мумкин, уларга шу газета ва журнални етказиб бераман, деб ўзаро шартнома тузиб, ҳатто пулини ҳам олаверса! Билмадим, буни қандай шарҳлаш мумкин? Бу саволни Фарғона вилояти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ раҳбари Ҳатима Ғофуровага бердик.

– Обуначилар газета-журналларга обуна бўлиб, пулини ҳам тўлиқ тўласалар-да, босма нашрларини олмаётганликларини айтишмоқда. Бунга нима дейсиз?

Ҳатима Ғофурова ҳеч иккиланмай шундай деди: – Шартнома қилинган. Аммо пулини тўламагани учун етказиб бермаямиз.

– “Фарғона ҳақиқати” газетасига 2025 йил учун обуна ташкил этиш ҳақида шартнома тузганмизми? – сўрадик яна ҳамсўхбатимиздан.

– Йўқ, тузмаганмиз.

– “Жаҳон адабиёти” журнаli обунаси ҳақида-чи? Унга обуна қилганмизми?

– 2025 йил учун обуна ташкил қилмаганмиз. Во ажаб! Мана, қўлимизда “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Тарбиячи”, “Шарқ юлдузи”, “Маънавий ҳаёт” журналлари ва “Фарғона ҳақиқати” газетасини етказиб бериш ҳақидаги обуна пули тўланган ўнлаб шартномадан турибди. Ғофуровага қандай ишонялиқ?

Юқорида “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ раҳбари 30 нафар ходим, 25 нафар тарқатувчимиз, балансимизда 9 та автомашинамиз бор, деди. Исмини айтишимизни истамган, айнан шу идоранинг масъулларидан бири бу рақам жуда бўрттириб айтилган, бундай рақамлар аслида йўқ, деди.

Агарда, ҳатто Фарғона вилоятида “Матбуот тарқатувчи” МЧЖда 25 та газета-журнал тарқатувчиси бўлса-да, улар 19 та шаҳар-тумандаги обуначига, Ғофурова айтганидек, 30 номдаги 10 минг нусхадарга газета-журнални қандай тарқата олади? Бунга қандай қилиб жисмонан улғурди? Қолаверса, айрим нашрлар ҳафтада 5 марта, баъзиларидан 3 марта чоп этилса? “Пули бўлса, чангалда шўрва”, демоқчи бўляпсиз. Ҳисоб рақамида маблағи ҳам йўқ-да!

– Оммавий ахборот воситаларидан ташкил қилинган обуначилар “Матбуот тарқатувчи” МЧЖнинг қарздорлиги қанча? – сўрадик жамият раҳбаридан.

– Таҳририятлардан 3 миллиард сўмдан ортиқ қарзимиз бор.

Масаланинг яна бир нозик томони бор. Бу ҳақида эксперт Шавкат Тўйчиевдан сўрадик.

– Масалани ўрганиш чоғида биз шундай ҳолатга дуч келдик, айрим давлат идоралари, корхоналар газета-журналларга обуна бўлган, тўлови амалга оширилган, лекин уларни олишмайди. Аммо корхона-ташкилот раҳбарлари обуна ташкил қилган жамиятдан буни талаб қилиб олмаёпти. Нега шундай бўляпти, деб ўйлайсиз?

– Бу обуна давлат ёки ташкилот ҳисобидан уюштирилганда! Агар ўзининг ҳисобидан, иш ҳақидан тўлаб обуна бўлганда эди, етказиб берилмаган газета-журналларни сўраган, суриштирган бўларди.

Ҳўш, даврий нашрлар обунасини қим ташкил этиши лозим? У қандай меъёrlарга риоя этиши керак? Фарғона вилояти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ фаолиятидан норозиликлар, балки ноконуний ҳаракатлар деган маъқулдир, сабаблари билан қайси идора шуғулланади?

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтининг минбари барчага очик. Сиз ҳам фикр билдиринг.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Элёр ОЛИМОВ (видеотасвир, суратлар),
Ўза муҳбирлари.

Ўзбекистонда ички ишлар тизими: КЕЧА ВА БУГУН



ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДАГИ ФИДОЙИЛИК

(Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, жаҳон миқёсда кечаётган глобаллашув жараёнларида гоёвий, мафкуравий ва информацион кураш, жаҳон иқтисодий инкирози, ишсизликнинг ортиб бориши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қарама-қаршилиқлар каби воқеа-ҳодисаларнинг халқро аҳамият касб этаётганлиги давлатлар хавфсизлигини таъминлаш масаласига эътиборнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Ҳар бир хайрли ишининг аввали тинчлик, хотиржамлик. Мусадфо осмон остида осойишта яшаётган юртимизда тўйлар ярашади, байрамлар татийди. Биз бугун мана шу тинч ва фаровон ҳаётимизнинг сабабчилари, давлат бошқарув механизмининг асосий бўғинларидан бири бўлган халқ посбонлари – ички ишлар ходимларининг шарафли фаолияти ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Биламизки, коинотнинг энг асосий қонуни тартиб-интизомдир. Кеча ва кундуннинг алмашилиши, фаслларнинг беҳато айланиши, қишда қорнинг, баҳорда гулнинг исини туйиш бизга оддий ҳолдек кўринса-да, аслида бу табиатнинг ўзгармас мезонидир. Мана шу ўлчов бузилса, ерда ҳаёт бузилади, демакдир. Жамият ҳам албатта, тартиб-қоидалар асосида яшайди, ривожланади. Мамлакат тинчлиги ва жамият тартибини сақлаш, бошқаруви мустақамлаш, давлат стратегияларини ҳимоя қилиш, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш йўлида туну кун тинмай меҳнат қилаётган ички ишлар ходимлари чин маънода Ватанининг сунъан тоғлари десак, янглишмаган бўламиз. Инсон қадр-қиммати устувор ҳисобланган бугунги даврда ҳар бир шахснинг эмин-эркин ҳаёт кечирishi таъминлаш, инсоннинг тинч яшаш ҳуқуқини, қадр-қимматини ҳимоя қилиш энг масъулиятли вазифадир. Зеро, маънавий тараққиётнинг умумэтироф этилган тамоиларидан бири – инсонпарварлик, халқпарварликдир.

Тарихий манбаларга эътибор берадиган бўлсак, қадимда улқамизда вужудга келган давлатларнинг ҳарбий аскарлари, жангчилари, шунингдек, хос соқчилар, қарқарлар, миришблар, сарбозлар қароргоҳ ва қалъаларни қўриқлаш, аҳоли тинчлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш каби вазифаларни бажарганликларининг гувоҳи бўламиз. Бу эса ички ишлар тизими ўлкамизда ўзига хос тарихий илдизларга эга эканини кўрсатади.

Истиклолнинг дастлабки йиллари ўтиш даври қийинчиликларини енгиш, мустақил давлат сифатида оқққа туришга ҳаракат қилган Ўзбекистон сўнгги 7-8 йил ичиди ҳар соҳада илдамлади, жаҳон майдонига дадил кириб келди ва бутун дунё эътибори, эътирофига сазовор бўлди. Бу давр юртимиз ҳаётида янги тараққиёт босқичи бўлди, халқчил истиклолчи ислохотларга кенг қўлчқ ёзилди. Утган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётини туб-

дан ислох этишга қаратилган қонунчилик базаси янгиланди. Бу Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий майдонини мустақамлашга, мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш, ислохотларни қўллаб-қувватлаш таъминларининг кучайишга хизмат қилди.

Янгилишларга ҳамоҳанг тарзда ички ишлар органлари тизимини ислох этиш борасида узвий чора-тадбирлар олиб борилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 январдаги “2025 йилда Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ички ишлар тизимида олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Бунинг самараси ўларок, ички ишлар органларига берилаётган ваколатлар, соҳанинг жамиятдаги нуфузи оширилди ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган устувор таъминлини ички ишлар органлари фаолиятининг бош мақсадида айлантирди.

Сўнгги йилларда ички ишлар органларини чинакам халқчил тузилмага айлантириш, аҳоли учун барча шахар-қишлоқларда хавфсиз яшаш ва меҳнат шaroитини яратиш мақсадида амалга оширилган ислохотлар натижасида энг қуйи бўғиндаги вазият ва муаммоларини ҳам чуқур ўрганиш ва бартараф этиш билан ҳар бир маҳалла, кўча, жамоат жойларини жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Профилактика инспекторлари томонидан ўз вақтида содир этилиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш ва олдини олиш, аҳоли ўртасида мавжуд муаммоларни маҳалла “еттилик”лари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этиш механизмларининг мунтазам фаолияти самарасида жиноятчиликнинг кескин қамийиши ва қўллаб салбий ҳолатларнинг олди олиниши кузатишмоқда. Бунда профилактик тадбирлар ўтказиш, патруль-пост ва пробацция хизматлари инспекторларининг фаолиятини ривожлантириш, ички ишлар органларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, замонавий талабларга мос, барча қулайликларга эга янги бино ва иншоотлар қуриш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш, эски биноларни қайтадан реконструкция қилиш, айниқса, ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларга аҳамият қаратишмоқда. Мазкур ишларнинг амалий ифодаси сифатида жорий йилнинг май ойида Фарғона тумани ички ишлар бўлими учун янги бино қурилди ва тантанавий равишда фойдаланишга топширилди. Президентимизнинг соҳага қаратган эътибори ва ғамхўрлиги натижасида биргина 2025 йилнинг ўзиди Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари моддий-техник базасини мустақамлаш мақсадида республика ҳамда вилоят бюджетидан жами 31,8 миллиард сўм маблағ ажра-

тилиб, манзилли тартибда йўналтирилаётгани эътирофга моликдир.

Бундан ташқари, ички ишлар ходимларининг билим даражаси ва касб маҳоратини ошириш мақсадида Фарғона давлат университетига Юриспруденция йўналишида ҳам бугунги кунда ички ишлар ходимларининг тахсил оларётганликлари соҳада таъминнинг ўрни алоҳида эканини кўрсатмоқда. Шу билан чекланиб қолмасдан республика маҳаллаларида меҳнат қилаётган ходимлар шaroитларини яхшилаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, ходимларнинг оиласига, фарзандларига алоҳида имкониятлар тақдим қилишга эътибор беришмоқда. Хусусан, ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари учун ажратиладиган таълим квоталари, ички ишлар органлари тиббий муассасалари хизматидан бепул фойдаланиш, имтиёзли кредитлар ажратиш кабилар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган соҳа ходимлари ёш авлоднинг соғлом ҳаёти ва келажагини таъминлаш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшларда турли маънавий таҳдидларга нисбатан кучли иммунитетни шакллантириш ҳамда интернет тармоқлари орқали ёшлар онгининг захарланишига йўл қўймаслик каби мақсадларда узулқсиз меҳнат қилмоқдалар. Хусусан, Фарғона давлат университетига талаба-ёшлар тарбиясини мукаммал олиб бориш, улар хавфсизлигини таъминлаш, турли ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатидан ёшларни асраш мақсадида самарали тизим – профилактика инспекторлари фаолиятининг намунали йўлга қўйилганлиги талабаларнинг олтин даврини хотиржамликда илм ўрганиш, қобилиятларини юзага чиқаришга сарфлашлари учун имконият яратмоқда.

Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳам алоҳида инспекторлар жалб қилинганлиги натижасида аёл ва қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш, улар ўртасида профилактик тадбирларнинг ташкил этилиши университет тартиб-қоидаларини сақлаш, қонуналар устуворлигини таъминлашда ўз самарасини бермоқда. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни олийгоҳда “Талаба хавфсизлиги” куни тадбирларининг ўтказилиши, профилактика инспекторлари томонидан жиноятчилик, гиёҳвандлик, киберхавфсизлик каби долларб масалалар бўйича тушунтириш ишларининг олиб борилиши, талабалар сиёсий янгликлар, қонуналардан доимий ҳабардор этилаётгани ёшлар ҳуқуқий онгини ўстиришда муҳим омил бўлмоқда.

Айтишимиз керакки, жойларда муаммоларни ўрганиш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида аҳоли ва ички ишлар органлари раҳбарлари билан очик мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида ҳам фуқаролар учун сайёр қабуллар ўтказилиб, уларнинг мурожаатлари синчков-

лик билан ўрганилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида мунтазам тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бугунги кунда ички ишлар тизими ходимлари муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ички ишлар ходимлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин”, деган фикрларини амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ёшларимизни Ватанига садоқатли авлодлар қилиб вояга етказишга қаратилган миллий стратегиямизнинг қабул қилишини ҳам мазкур масалаларнинг бугунги давр учун долзарблигини белгилайди.

Ҳозирги шиддатли тараққиёт даврида ҳар соҳада бўлгани каби ички ишлар тизимида ҳам инновацион ёндашувлар, энг сўнгги илм-фан ютуқлари, рақамли технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда фаолият юритилиши давлатимизда ҳуқуқ-тартиботни янада тараққий этишига сабаб бўлмоқда. Албатта, олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда, ҳатто халқро миқёсда эътироф этилмоқда. Масалан, Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида жойлашган Иқтисодиёт ва тинчлик институти томонидан “Safety perception index” хавфсизлики баҳолаш индекси бўйича 2021-2023 йиллар оралиғидаги кўрсаткичлар ўрганилганда, Ўзбекистон энг яхши натижани қайд этди. Мазкур рейтингда Ўзбекистон жаҳоннинг 121 мамлакати орасида энг хавфсиз давлат деб тан олинди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида ҳам Ўзбекистон ҳар 100 минг аҳолига нисбатан содир этилган жиноятлар сони бўйича энг хавфсиз давлат ҳисобланмоқда. Мазкур кўрсаткичлар мамлакатимизда жиноятчиликни жиловлаш бўйича ёндашувларнинг тубдан ўзгаргани, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш механизмларининг тақомиллашиб бораётгани, ички ишлар ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнатлари самараси ўларок майдонга чиқмоқда.

Халқимиз тинчлик ва осойишталигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юқори натижага эришиш, асосан, ички ишлар органлари ходимларининг доимий шайлиги ва касбий тайёргарлик даражасига, бошқа тарафдан халқ олдидидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиши ва ватанпарварлигига боғлиқ. Зеро, мазкур соҳа вакиллариинг энг олий фазилати давлат ва жамият манфаатлари йўлидаги фидойилик ва жасоратдир. Биз зиёлилар жамоаси сифатида яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ички ишлар ходимлари – халқ посбонлари элнинг дуоси билан янги биналарда янги марраларни забт этишларига ишонамиз. Токи, етишиб келаётган авлодлар уларнинг ибратли ҳаётидан намуна олсин, ички ишлар ҳодими бўлиш олий мақсади бўлсин, форма қийиш бахтини шараф деб билиб, Ватанига садоқат билан хизмат қилсин!

Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ЯНГИ БОСҚИЧДА

■ Саноат шахри бўлган Қувасойда хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини янада яхшилаш, амалга ошириладиган ва янги лойиҳаларни тўлиқ қувватлар билан ишга тушириш ишлари жадал олиб борилмоқда.



Ўтган йили хорижий инвестиция лойиҳалари ҳисобига 117,6 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилган бўлса, шундан 104,0 миллион доллари ҳудудий лойиҳалар ҳисобига эди. Бу йил ушбу кўрсаткични икки ярим баробарга оширишни режа қилганмиз.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида шахарда 42,4 миллион АҚШ долларилриқ инвестициялар ўзлаштирилди. Ишга туширилган лойиҳалар асосида 220 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Қувасой боғларида пишиб етиладиган сархил мевалар ёзин-кишин халқимиз дастурхонини безайди. Мевани қайта ишлаб, қуюлтирилган табиий шарбатлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа бўйича 14,8 миллион АҚШ долларилриқ инвестиция ўзлаштирилди.

Саноат ва қурилиш соҳасида ҳам қувасойлик тадбиркорлар фаол. Яқинда шахарда жойлашган "Pharma-coss 777" масъулияти чекланган жамияти қўймати 1,3 миллион АҚШ долларилриқ фармацевтика ускуналари олиб келиб ўрнатган бўлса, "Акрамлик" қўшма корхонаси томонидан ип-калава бўйишни кенгайтириш лойиҳаси доирасида 753,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги ускуналар харид қилинди. Бундан ташқари, Туркия давлати билан ҳамкорликда "Garden Catering" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини кенгайтириш мақсадида қўшимча ускуналар сотиб олинди. Янги технологияларнинг ишга туширилиши мақсулот турини кўпайтиради ва экспорт салоҳиятини оширади.

Хозирда шахарда йил охиригача ишга тушириладиган қатор лойиҳалар бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг март ойида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Житой Халқ Республикасида бўлиб, қатор тадбиркорлар билан учрашди. Мухокамалар чоғида "Қўқон" эркин иқтисодий зонасининг Қувасой шахар филиалида импорт ўрнини бо-

сувчи махсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари муҳокама қилинди. Икки томон учун ҳам манфаатли шартномалар имзоланди. Мулоқотлар давомида шахримиздаги ўз бизнесини юритмоқчи бўлган хитойлик тадбиркорлар кўп бўлди.

Шандунь провинциясида "Blue carbon technology inc" компанияси билан ўтказилган музокаралар натижасида шахримиздаги "Blue carbon" МЧЖнинг "Сув насосларини 100 фойзал қуёш панелларига ўтказиш" лойиҳаси маъқулланди.

Шахримиз бугун ҳар жиҳатдан илдамлаб бормоқда. Ўтган йилда Юртбошимиз қарори билан шахарда "Қўқон" эркин иқтисодий зонасининг Қувасой филиали учун 210 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерда жойлаштириладиган корхоналар тўла ишга туширилганда хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали 1 миллиард АҚШ долларилриқ лойиҳалар амалга оширилади, 11,8 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилишига эришилади. Шунингдек, 5 триллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариш ва 120 миллион АҚШ долларилриқ махсулот экспорт қилиш имконияти яратилади. Импорт ўрнини босувчи лойиҳалар доирасида 400 миллион доллар миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилади.

Хозирда ушбу ҳудудда 131,0 миллион АҚШ долларилриқ 7 та лойиҳалар жойлаштирилди, 1545 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Хусусан, "Mavin fruitline" МЧЖ томонидан мевани қайта ишлаб қуюлтирилган табиий шарбат олиш лойиҳасининг дастлабки босқичи шу йил июль ойида фаолият бошлади. Шу кунларда биринчи махсулотини олишга шай қилиб қўйилган "Crown Ceramics" қўшма корхонаси томонидан керамогранит плита ишлаб чиқариш биноси қуриб битказилди, ускуналар ўрнатилди ва 400 та янги иш ўрни яратилди. "Arborvitae pharmaceuticals"

МЧЖ корхонаси билан Хитойнинг "Suzhou meidi clean technology Co" LLC компанияси ўртасидаги ҳамкорлик натижасида Қувасойда фаолият юритадиган фармацевтика махсулотлари лойиҳаси ҳамда базальт, шиша-қоплама ва газоблоклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Ferghana tex servis Yurty" МЧЖда қурилиш-монтаж ишлари сўнгги босқичга кирди. Шунингдек, хитойлик инвесторлар ҳамкорлигида "Zhong ya qi yuan trading" МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиги махсус техникалари ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам якуний босқичга келди. "Fergana tulpor international investment group" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонаси ҳам давлат рўйхатидан ўтказилди. "Nf textil kimya" МЧЖнинг кимёвий моддалар ва бўёқ махсулотлари, "Omina Malika" МЧЖнинг идишлар ишлаб чиқариш, мевани қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича лойиҳалари қўллаб-қувватланди. Шунингдек, 10 миллион АҚШ долларилриқ кабель ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Эътиборлиси, Жаҳон банки ва халқаро молия институтлари ҳисобидан 13,9 миллион АҚШ долларилриқ 17 та истиқболли лойиҳалар шакллантирилди. Бугунги кунгача 11 та лойиҳа учун 7,4 миллион доллар ҳисобида кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодийётни ҳаракатлантирувчи куч инвестициядир. Хорижий сармояларни жалб қилиш, инвесторларни қўллаб-қувватлаш эса давлат сиёсати даражасига қўйрилган. Шунинг учун ҳам импорт ўрнини босувчи махсулотларни маҳаллийлаштириш ҳаракати бугун Қувасой шахар кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларининг бош мақсадига айланган.

Салимжон НИШОНҚУЛОВ,
Қувасой шахар ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи.

Ислоҳот

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ БЕРГАН МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, БУГУНГИ КУНДА СТОМАТОЛОГИК ХИЗМАТЛАРНИНГ 91 ҲОСИ ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАРДА КўРСАТИЛМОҚДА.

СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАЛАРИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАДИ

Жорий йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги Фармони имзоланди. Унга кўра 30 триллион сўмлик давлат активлари ва ер участкалари сотилиши белгиланган. Шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидagi стоматология поликлиникалари ҳам хусусийлаштирилиши режалаштирилган.

Фармонда давлат ташкилотлари иштирокидаги корхоналарнинг акция пакетлари (улушлари) савдога чиқарилиши қайд этилган бўлиб, улар орасида Фарғона вилоят болалар стоматология поликлиникаси, Фарғона вилоят стоматология шифонаси, Қўқон ва Марғилон шахар болалар стоматология поликлиникалари ҳам бор.

Соғлом тишлар нафақат гўзал табассум, балки умумий саломатлик ва инсон ҳаётининг сифати учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, стоматология соҳаси барча жамиятлар учун муҳим ва талаб юқори бўлган йўналишлардан биридир. Бугунги кунда хусусий стоматология клиникалари сони ортиб бормоқда. Ўз ўрнида савол туғилади: уларда кўрсатиладиган хизматлар сифатли ва ишончлими?

Хусусий стоматология марказлари, одатда, замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган, врачлар юқори малакали ва кўпинча хорижий тажрибага эга бўлади. Бу эса беморга аниқ таъхис қўйиш, тезкор ва самарали даволаш имконини беради.

Давлат клиникаларида мурожаат қилувчилар кўпчилиги сабабли, ҳар бир беморга етарлича эътибор бериш қийин бўлиши мумкин. Хусусий клиникалар эса индивидуал ёндашувни кафолатлайди.

Хусусий стоматология марказларида бемор ўз вақтига мувофиқ келиши мумкин. Ўзоқ навбатларда туришга эҳтиёж йўқ. Бу, айниқса, ишбилармонлар ва хизмат вазифасига кўра

кўпроқ банд бўладиган инсонлар учун жуда муҳим. Бундай клиникаларда нафақат даволаш, балки эстетик стоматология, имплантация, тишларни оқартириш каби замонавий хизматлар ҳам таклиф этилади. Тўғри, хизматлар арзон эмас. Аммо сифати, қулайлиги ва самарадорлиги кўпинча сарфланган маблағни оқлайди. Шу билан бирга, айрим марказлар тўловни бўлиб тўлаш, чегирмалар каби имкониятларни ҳам таклиф қилмоқда. Бироқ, гуруҳ курмаксис бўлмаганидек, хусусий стоматология тизимида ҳам айрим камчиликлар йўқ эмас.

Яқинда, Фурқат туманидаги хусусий стоматологиялардан бирида даволаниб чиққан танишим оғриқ бераётган тишини олдириб, 20 кун дард чекганини айтиб берди. Билдиришича, бир ойча аввал тишида кучли оғриқ сезиб, хусусий стоматологга мурожаат қилган. "Мутахассис" тиш йиринглаб кетгани ва уни олиб ташлаш энг тўғри муолажа эканини айтган.

Тиш оғригини бошидан ўтказган бидади. "Ташхис" бўйича тишини олдириган танишим "Шу билан тузалсам майли" деб хомхаёл қилган экан. Ўша кунни туни билан ухлолмай чиқибди. Оғриқ қолдирувчи дорилар ҳам таъсир қилмагач, эртасига яна хусусий муассасага борибди. Бунга қарангки, "шифокор" кўрсатмаларига амал қилмагани, гўё айтганидай "зивачка" чайнамагани учун уни қойиб берибди. Шу сабабдан оғриқ қолмаганини рўқаб қилибди. Афсуски, кетмакет беш кун давомида стоматолог кўригида бўлган бемор у айтган даволаш усулига амал қилса-да, ҳеч қандай ижобий ўзгариш сезмабди. Қайтанга, юзнинг тиш олинган томони кўз атрофи билан шишиб кетибди. Шифокор эса яна ўша "эски" кўрсатмасини такрорлаш билан кифояланибди холос. "Нихоят Фарғона вилоят стоматология шифонасига мурожаат қилдим ва 10 кун даволашни чикдим. Энг ёмони, малакасиз шифокорнинг лоқайдлиги, тўғри ташхис қўймагани, самарасиз даволаш усули сабабли юз ва жаимда чандик

қолди" дея қуйинди у.

Амалиётда хусусий стоматологлар томонидан хато қилинган ҳолатлар учраб туради. Баъзи врачлар нотўғри ташхис билан беморнинг соғлом тишини сўғуриб ташлагани ёки кераскис имплантлар қўйиш орқали оғриқдан озор чекаётган инсоннинг чўнтагидаги маблағга кўз олайтириб, шарт бўлмаган "муолажа"ларни ўтказганликлари аниқланган. Айрим клиникаларда арзон, сифатсиз имплант ёки материаллардан фойдаланилган, бу эса инфекция тушишига, имплантнинг ёмон ўрнашишига ёхуд қайта операцияга олиб келган. Тишларга чирой бериш мақсадида ҳаддан ортиқ оқартириш ёки ламинат қўйиш натижасида беморнинг тишлари заифлашган ва шикастланган ҳолатлар ҳам қайд этилган.

Энг ачинарлиси, бир дардидан фориг бўлиш ниятида иккинчи дардга мубтало бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Гигиена қоидаларига риоя қилмаслиги натижасида беморлар гепатит, ОИТС каби юқумли касалликларга чалинган ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Халқаро микёсда ҳам хусусий стоматологлар томонидан содир этилган хатоликлар ва уларнинг оқибатлари билан боғлиқ кўп ҳолатлар мавжуд.

Хусусий стоматология кўплаб афзалликларга эга бўлса-да, юқоридаги ҳолатлар шуни кўрсатадики, назорат ва эҳтиёткорлик жуда муҳим. Бунда даволанишдан олдин стоматологнинг лицензияси ва малакасини текшириш, клиниканинг обрўси ва беморларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, ёзма розилик ва ҳужжатларни имзолашдан олдин диққат билан ўқиш зарур.

Умуман олганда, хусусий стоматология юқори сифат, қулайлик ва инновацион ёндашувни талаб этади. Демакки, давлат ва хусусий стоматология биргаликда фаолият юритса, жамиятимизнинг стоматологик ҳолати янада яхшилиниши аниқ.

Дурдона ҒАФФОРОВА,
"Фарғона ҳақиқати"
муҳбири.

"ҚИЗИЛ"ДАН "ЯШИЛ"ГА ЎТИШ МУРАККАБ ЭМАС, ФАҚАТ...

(Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, мамлакатимизда криминоген вазиятни маҳаллалар кесимида таҳлил қилувчи электрон тизим яратилган бўлиб, шу асосда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан хавфсизлик чораларини белгилаш, назоратни кучайтириш ва профилактика ишларини самарали ташкил этиш мақсадида ҳудудлар "яшил", "сарик" ва "қизил" тоифаларга ажратилди. Мазкур тартибга кўра, "қизил" тоифага оғир ва ўта оғир жиноятлар – ўғрилик, безорилик, талончилик, қасддан одам ўлдириш ҳолатлари тез-тез содир бўлаётган, "сарик"қа – ўртача хавфли криминоген вазият устунлик қиладиган, "яшил" тоифага тинч, жиноятчилик даражаси паст маҳалла фуқаролар йиғинлари киритилмоқда.

2025 йилнинг 3 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қабул қилган "2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш устувор вазифа этиб белгилангани ҳам бежиз эмас. Афсуски, аксарият ҳолларда масъул шахсларнинг бепарволиги ва лоқайдлиги, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги "еттилик" фаолиятида ҳамжихатлик етишмаслиги, бир мақсад сари интилиш йўқлиги жиноятчиликни жийовлашдаги асосий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Қайд этиш лозимки, маҳаллаларнинг "қизил" тоифага тушиб қолиши – бу нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолатларнинг мураккабланишини кўрсатади. Хозирги кунда вилоятимизда "қизил" тоифага мансуб 122 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Таҳлилларга кўра, фуқаролар, айниқса, ёшлар ишсизлик, иқтисодий, ижти-

моий муаммолар каби криминоген вазиятга сабаб бўлувчи ҳолатлар таъсирида билиб-билмай жиноят кўчасига қариб қолишмоқда.

Ўтган 2024 йилда Фарғона вилоятида ўғрилик ва фирибгарлик ҳолатлари содир этилган жиноятларнинг салмоқли қисmini ташкил қилди. Ўғриликлар хонадонларда, савдо шохобчаларида, автотранспорт воситаларида рўй берган. Фирибгарликлар эса ўқишга ва ишга киритиб қўйиш, кредит олишга кўмаклашиш, қарз олиш, уй-жой савдоси билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

– "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғини Фарғона шахри марказида жойлашган. Маҳаллада яшовчи 7000 нафарга яқин аҳолининг айримлари доимий рўйхатда турмади. Ҳудудда аҳоли гавжум йиғиладиган савдо нуқталари, ўндан зиёд тижорат банклари, йирик муассасалар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акрамжон Гафуровнинг таъкидлашича, мазкур манзилларга бошқа жойлардан келиб-кетувчиларнинг қўлиги ва ораларида жиноят содир этишга мойил шахслар ҳам борлиги боис, улар иштирокида ўғрилик, фирибгарлик, баданга оғир танжараҳоти етказиш каби жиноятлар, турли даражадаги ҳуқуқбузарликлар қайд этилмоқда.

– 2023 йилда ҳудудимизда 85 та жиноят содир этилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 105 тага етди. Бироқ, қонунбузарларнинг аксарияти маҳалламиз фуқароси эмас. Жиноят манзили сифатида маҳалла ҳудуди кўрсатилаётгани боис, "қизил" тоифадамиз, – дейди у.

Маҳалла раисининг фикри бир томондан тўғридир, аммо ҳудуддаги ишсизлик даражаси оилавий муаммоларни юзага чиқараётганини айтиб ўтиш жоиз. Арзимаган сабаблар билан жаҳл отига минган эркаклар томонидан оғир аёлларга турли даражадаги танжараҳоти етказиш, ака-укалар орасида мурасисизлик ҳолатлари мавжуд. Ана шундай оила вакиллари "Е-Жамоат хавфсизлиги" ахборот тизимига киритилиб, улар ёш тоифасига қараб,

"еттилик"қа бириктириб берилган. "Қизил ҳудуд"дан чиқиш учун "дафтар"ларга киритилган шахслар билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, аҳолининг бандлигини таъминлаш чоралари қўйилляпти.

Шунингдек, жамоат жойлари ва турар жойларда хавфсиз муҳит яратиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситалар жорий этилмоқда. Жумладан, Нуроб кўчаси "Хавфсиз кўча", "Хавфсиз йўлак" тамойили асосида тўлиқ рақамлаштирилди. Асосий кўчаларда туну кун фаолият олиб борадиган 5 та патруль пост хизмати йўлга қўйилди. Кириш йўлакларига ички ишлар органлари билан интеграция қилинган ташвишчакирур тутғамлари, видеокузатув мосламалари ўрнатилди.

"Ойбек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳам криминоген вазияти оғир ҳудудлардан бири ҳисобланади. Мазкур маҳаллада турли жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар кўп содир бўлади. Нега? Йиғин раиси Матлуба Қурбонова ҳам бунга маҳалла шахар марказида эканлиги, салбий ҳолатларнинг аксарияти "мехмонлар" хиссасига тўғри келишини маълум қилди.

– Фарғона шахрининг асосий хўжалик моллари ва кийим-кечак савдо мажмуаларида ташқари, аҳоли гавжум марказларда кунига минглаб фуқаролар савдо-сотик қилишади, мавжуд хизматлардан фойдаланишади, овқатланишади. Шу жараёнларда ўзаро келишмовчиликлар, алдаш, бировнинг ҳақиқа ҳиёнат қилиш, зуравонлик, товламачилик каби ҳолатлар келиб чиқмоқдаки, булар ҳисобига маҳалламиз "қизил" тоифага кирган, – дейди у. – Йил бошида маҳаллада криминоген вазиятни яхшилаш ҳамда жиноятларнинг барвақт олдини олиш учун ҳар бир кўча кесимида чораклик манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Ҳуқуқбузарлик содир этиши ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан алоҳида ишлаш бўйича "ижтимоий профилактика" тизимини йўлга қўйдик. Мазкур тизим асосида хонадон-

лар, оилалар ва профилактика ҳисобида турувчи шахслар ўрганилиб, 35 нафари бўйича алоҳидадан ҳулосалар тузилди.

Маҳаллада бу каби профилактик тадбирлар натижаси ўлароқ, жиноятчиликнинг камайишига эришилмоқда. Хусусан, 2022 йилда ҳудудда 215 та жиноят қайд этилган бўлса, 2023 йилда 165 та, 2024 йилга келиб, уларнинг сони 91 тагача камайди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллада вазият барқарорлашди. Шу сабабли ҳудуд "сарик" тоифага ўтди.

"Машъал" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси асосан кўп қаватли уйларида истиқомат қилади. Жамоатчилик вакиллари, нурунийлар ва маҳалла фаоллари "Бир болага – етти маҳалла ота-она" эзгу тамойили асосидаги ҳамкорлиги натижасида салбий ҳолатларнинг олди олиниб, аҳоли орасида фуқаролик масъулияти ошмоқда.

Фуқаролар йиғини раиси Рустамжон Раҳмонов маҳаллада хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш учун дахлдор идоралар билан биргаликда "Хавфсиз маҳалла" дастурини ишлаб чиқишганини айтиб ўтди. Унга асосан, ҳудуддаги объектлар ҳамда кўчаларга кириш ва чиқиш жойларида видео назорат ўрнатилди. Мухими, аҳоли вакиллари ўртасида шахсий хавфсизлик хисси шаклланимоқда.

"Беруний" маҳалла фуқаролар йиғинида тинчлик ва оқойишталикни таъминлашнинг янги механизмлари жорий этилмоқда. Жумладан, ҳар бир кўчада хавфсиз муҳитни яратиш бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва уларни ижро этиш муддатлари аниқ белгиланган. Нотинч оилалар ёш тоифасига мувофиқ ажратилиб, бу борада "еттилик"нинг масъулияти оширилмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига бу каби ёндашув аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллигини ошириш баробарида, ёшлар, аёллар ва ишсизлар томонидан содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жиноятларга

барҳам бермоқда.

Жойларга фуқароларни огоҳликка чақиритиш мақсадида "Ҳудуд камера назоратида", "Объект кузатувда", "Хонадон қўриқловда" каби стикерлар ёпиштирилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳаётали Умаровнинг сўзларига қараганда, асосий ҳуқуқбузарликлар ҳудуддаги умумий фойдаланишдаги ётоқхонада содир этилаяпти. Жиноятларнинг авж олишига профилактика инспекторларининг кўнимсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан қўйиладиган таъсир чоралари самарасизлигича қолмоқда.

– Хозирда криминоген вазияти оғир бўлган 122 та маҳалла фуқаролар йиғинига масъул идоралар раҳбарлари бириктирилди. Манзилли профилактик тадбирларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш мақсадида Ижтимоий профилактика масканимизда штаб ташкил этилган, – дейди вилоят Ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати ҳудудий профилактика бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Ерқинбек Пирматов. – Мазкур штаб томонидан амалий тадбирлар ижроси бўйича мониторинг йўлга қўйилди. Масканда илгари судланганлар ва пробация ҳисобидаги шахслар билан учрашувлар ўтказилиб турибди, уларнинг қайта жиноят содир этишларининг олдини олиш мақсадида муаммоларини ижобий ҳал этишга эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, нафақат жиноятчилик авж олган ҳудудларда, балки барча маҳаллаларда соғлом муҳитни шакллантириш – умумийлиги вазифага айланмоғи керак. Шунда жойларда ижтимоий назоратни қучайтириш, маънавий бузуқлик ва ишсизликка барҳам бериш орқали жиноятчиликнинг олди олинади. Ҳар бир фуқароннинг онгли ва муайян тизимли фаолияти туфайли маҳаллалар "қизил"дан "яшил"га ўтади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Халқаро китобхонлик фестивали:

МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУ ҒОЯ МАЙДОНИ



(Бошланиши 1-бетда).

Қайд этиш лозимки, бугун ахборот оқими ҳаддан ташқари тезлашди. Ҳар сония миллионлаб маълумот тарқалмоқда. Аммо шулар ичида ҳақиқатни англаб олиш, тўғри талқин қилиш ва соғлом фикр юритиш, бир сўз билан айтганда, маърифатли инсон бўлиш учун китобга суяниш лозим. Халқаро конференцияда айнан шу масалаларга эътибор қаратилди. Китобни замонавий технологиялар ичида ҳам йўқотмаслик, уни рақамли дунёга уйғунлаштириш, ахборот-кутубхона ресурсларининг

фан, таълим ва маданиятдаги ўрнини ошириш каби долзарб мавзулар муҳокамалар марказида бўлди.

Халқаро конференцияда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, ахборот-кутубхона марказларини қўллаб-қувватлаш, китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш орқали ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги самарали хизматлари учун “Ахборот-кутубхона аълоҳиси” кўрак нишони билан тақдирланди. “Болаларга китоблар совға-

си” акцияси орқали беғубор қалбларда китобга бўлган меҳр-муҳаббат шакллантирилди. Асарлар келажак авлодлари – бўлажак олим, шоир, ёзувчи ва соҳалар мутахассислар учун муҳим илҳом манбаи бўлишига ишонч билдирилди. Таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар иштирокчиларга ёдда қоларли онларни ҳада этди.

– Мазкур фестиваль мен учун фақат ижодий майдон эмас, балки янги илҳомлар олами бўлди. Бу ерда асарлари орқали таниган ёзувчиларим, шеърларини севиб ўқиган шоирларим билан учрашишга муяссар бўлдим. Уларнинг пурмаъно сўзлари мен учун бир ҳаёт сабоғи, – дейди данғаралик ёш китобхон Сайёра Эрназарова.

“Маърифат-тур” лойиҳаси доирасида меҳмонлар Фарғона-нинг гўзал масканлари, миллий анъаналари, ҳунар-мандчилик намуналари билан танишиш имконига эга бўлишди. Бу саёҳат – тарихий, маданият ва маънавият сатфари сифатида унутилмас хотираларга бой бўлди.

– Анжуман ўзига хос китоб ва илм байрамигина эмас, балки Ўзбекистоннинг маърифатпарварлик сиёсати, ижтимоий-маънавий ҳаёти ҳамда халқро ҳамкорлиқнинг ёрқин намунасидир. Бундай фестиваллар ёш авлод онгидида китобга муҳаббат уйғотади, миллий кадриятларга бўлган ҳурматни мустаҳкамлайди, дунё билан ҳамнафас ривожланишга замин яратади. Фестивалда иштирок этиб, Ўзбекистонда маърифат ҳақиқатан ҳам юксалаётганини хис қилдим, – дейди Малайзия миллий кутубхонаси директори Суҳайла Абд Раҳмон.

Фестиваль давомидида маҳаллий кутубхоналарга бадий, илмий-оммабоп китоблар, болалар адабиётлари, “bestseller” асарлар тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.
Муқимжон ҚОДИРОВ
олган суратлар.

Мақтабгача таълим ислоҳоти:

Илк қадам – ИЛК ИМКОНИЯТ ДЕМАК

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АЙНИҚСА, МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. ДАРВОҚЕ, БОЛАЛАРНИНГ ИЛК ТАРБИЯСИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШИ АЙНАН МАКТАБГАЧА БЎЛГАН ДАВРИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. ШУ БОИС ҲАМ “2022 – 2026 ЙИЛЛАРГА ЙЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ”ДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДАГИ ҚАМРОВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирда давлат ва хусусий шерикчилик асосида нодавлат таълим муассасалари ташкил этилаётгани хисобига қамров борасида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, вилоятимиздаги қатор давлат ва хусусий мактабгача таълим ташкилотларида ИТ лабораториялар, робототехника тўғараклари, чет тилларидаги ихтисослашган гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бундай ислохотлар нафақат таълим сифатини оширади, балки болажонларнинг ижодкорлик, танқидий фикрлаш, эркин мулоқот қилиш, келажакда жамоада фаол ишлаш каби ҳаётий кўникмаларини ҳам ривожлантиради. Шу жумладан, робототехника йўналишида бошлангич тушунчаларни ўрганиш уларнинг муҳандислик тафаккурини шакллантира олади.

Болаларнинг боғчага қатновини яхшилаш мақсадидаги самарали ёндашувлар замонавий дунёда муҳим аҳамиятга эга бўлган рақамли саводхонликнинг илк босқичи ҳисобланади. Албатта, бугунги тарбиячи кечагидан тубдан фарқ қилиши лозим. У болага тарбия ва таълим бериш баробарида, ахборот технологияларидан унумли фойдалана олиши устувор аҳамият касб этмоқда.

Асосий мақсад – таълим жараёнига рақамли маданиятни олиб кириш, болага замонавий воситалар орқали билим бериш, уни мустақил ўрганишга йўналтиришдир. Афсуски, айрим чекка ҳудудларда мактабгача таълим ташкилотларида мала-

Илҳомжон СОЛИЕВ,
Фарғона давлат университети
“Мақтабгача таълим”
кафедраси мудири.

Нигора САИДОВА,
кафедра катта ўқитувчиси.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11540.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темуր кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кунни чикади. Адади: 2312 нусха.	Баҳоси келишилган нархда.	Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
			Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босингга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.00.

Келажакка сарфланган сармоя

“Кўмакдан баҳраманд бўлган ёшлар КЎП НАРСАГА ҚОДИР”

ДЕЙДИ “ҲОСИЛОТ” МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ
ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ИСРОИЛЖОН РАЙИМОВ

БАҲОДИРЖОН ЮСУПОВ МАҲАЛЛАДА КАСБ-ҲУНАРИ ЙЎҚ, ИШСИЗ ЁШЛАРДАН БИРИ ЭДИ. ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ КЎМАККА КЕЛДИ, МАҲАЛЛА “ЕТТИЛИГИ” ХУЛОСАСИ БИЛАН “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛДИ. КЎП ЎТМАЙ, УНГА СУБСИДИЯ АСОСИДА МОТОКУЛЬТИВАТОР БЕРИЛДИ.



Маҳалла “драйвери” малиначилик. Аҳоли қарамоғида 45 гектар ижарага олинган малиназор бор. Ёшлар етакчиси Исроилжон Райимов ташаббуси билан яна 20 гектар ерда плантация барпо этилиб, “Бир контур – бир махсулот” тамойили асосида 20 нафар ёшлардан иборат корпорация ташкил қилинди. Баҳодиржон ўзининг, кўни-қўшниларининг томорқасидан ташқари ана шу малиназорларни мотокүлтиватори ёрдамида ҳайдайди. Ерни оймаштиш мавсуми – баҳор ва кунда кунига 4-5 нафар ижарачининг ерида ишлайди ва меҳнатига яраша даромад топади. Маҳалла аҳолисининг 670 нафарини ташкил этадиган ёшларнинг 12 нафари ўтган йили “Ёшлар дафтари”га киритилган эди. Хумора Нўғмонжоновна, Нодира Аббосова сингари уй-

да ишсиз ўтирган 6 нафар қизларга субсидия асосида тикув машиналари, 6 нафар йигитларга мотокүлтиваторлар тақдим этилди ва барчасининг бандлиги таъминланди.

– Уч нафар фарзандимнинг тарбияси билан бўлиб, уйда ишсиз ўтирардим. Турмуш ўртоғим меҳнат мигранти. “Еттилик” хулосаси билан “дафтар”га киритилдим. Ўтган йили тикув машинаси беришди. Ҳозир чеварчилик билан машғулман. Мен каби субсидия асосида тикув дастгоҳи берилган дугоналарим билан маҳаллаимизнинг ўзида очилган чевархонада кийим-бош тикияман. Давлатимизнинг ҳамхўрлиги тўғрисида ишчи, даромадга эга бўлганимдан жуда хурсандман, – дейди Хумора.

Фарғона туманидаги “Ҳосилот” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Исроилжон Райимов 2024 йилда республика миқёсида ўтказилган “Энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси” кўрик-танловининг меҳнат миграциясидан қайтган ёшлар билан ишлаш йўналишида биринчи ўринни эгаллади.

– Маҳалла “еттилиги” хулосасига асосан, жорий йилда “Ёшлар дафтари”га киритилган Хумоюн Дехқонов, Хурсаной Тўғрўнбоева, Феруза Қўшақованинг контракт пулини тўлашга ёрдам кўрсатамиз. 24 нафар оғир тоифадаги ёшлар раҳбарларга бириктирилган. Ўтган йили 6 нафар ёшлар имтиёзли банк кредит олди. Бу йил ҳам шу йўналишда иш олиб бораёмиз, тадбиркорлигини бошлаганлар қаторига яна йигит-қизлар қўшилиди. Ўйчи тажрибаси асосида 127 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Малиначи ёшлар корпорациясида етиштирилаётган ҳосилни сотишни ташкил этиш мақсадида экспортёрларни жалб этмоқчимиз, – дейди Исроилжон Райимов.

Хорижий давлатда ишлаб қайтган Алёр Аббозов ҳовлисида мол-қўй боқади. 24 сотих томорқаси бор. Унинг 5 сотихида иссиқхона ташкил этмоқчи. Шу мақсадда имтиёзли кредит олиш ниятида.

– Алёр билан биргаликда табиий газ ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб бораёмиз, – дейди ёшлар етакчиси. – Ҳозир бу тажриба-

ни қўллаган кишиларнинг ишларини ўргандик, жой ҳозирлаш ва керакли асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳаракатидамиз. Яхши ният амалга ошса, маҳалладошимиз нафақат ўзининг, балки қўшниларининг иссиқхонасини ҳам газ билан таъминлаш имконига эга бўлади.

Туманда “Ёшлар дафтари” рўйхатига олинган йигит-қизлар билан ишлаш, уларга йўл-йўриқ ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари қизғин олиб боришмоқда. Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона туман бўлими берган маълумотига қараганда, шу йилнинг биринчи чорагида 268 нафар ёшлар “дафтар”га киритилиб, уларнинг 213 нафарига кўмак кўрсатилди. Жумладан, 50 нафарига 336,5 миллион сўмлик меҳнат қуроллари олиб берилди, 138 нафарининг 278,8 миллион сўм бўлган контракт тўлови қопланди, 2 нафарига тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда, 25 нафарига 10 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

– Ҳозирда туманимиз маҳаллаларида 55 нафар ёшлар “дафтар”да турибди. Улар моддий ёрдам, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш, меҳнат қуроллари учун субсидия ажратиш, контракт тўлови, бандлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларда амалий кўмакка муҳтож, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бош мутахассиси Жўрабек Уринбоев.

– Йилнинг қолган чорақларида ёшларнинг эҳтиёжи босқичма-босқич қондирилиши натижасида улар туманимизнинг ўқимишли, тадбиркор, пазанда ва чевар, омилкор деҳқонлар қаторига қўшилишлар.

Юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар кўлами кенгайиб борапти. Ўтган тўрт йилда “Ёшлар дафтари” рўйхатига олинган 107 минг ўғил-қизларга 338 миллиард сўм субсидия берилгани ёшлар камолоти йўлида сарфланаётган сармоянинг нақадар улкан эканлигидан далолат беради. Бу ҳамхўрликнинг бугунги самарасини биргина “Ҳосилот” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари ҳаёти мисолида ҳам кўрса бўлади.

Абдуҷалил БОБОЖОНОВ.

КУЮНЧАКЛИК: ҚЎЛИМИЗДАГИ ТЕЛЕФОН ЮРАГИМИЗДАГИ БЎШЛИҚНИ ТЎЛДИРА ОЛМАЙДИ!

Биз ахборот асрида яшаямиз, буни инкор этмаймиз. Аммо асрнинг қарамлик касали – телефонга боғлиқлик энди жиддий ижтимоий муаммо бўлиб бормоқда. Кичик боладан тортиб, кексагача – ҳаммамиз виртуал дунёнинг асирига айланиб бораётганлигимиз ачинарли ҳол. Бунинг оқибатида эса энг катта бойлигимиз – соғлигимиз ва инсоний муносабатларимиз тобора емириляптими?!

Ёдингиздами, бир пайтлар одамлар бир пиёла чой баҳона биргалшиб дилдан сўхбат қураарди?! Уч-тўрт қўшни бир бўлиб, тандирга сомса ёпиб, савати билан ўртага қўйиб, болачақаси билан мириқиб еган онлар қанчалик ёқимли эди. Қишнинг изгиринли кунларида сандал атрофида оддий қоқиларни еб, топишмоқ, эртақ, матал айтиб ўтириларди. Энди уяли телефон сабаб одамлар бир-биридан меҳрибонлигини олиб қочаётгандай, менимча. Бир стол атрофида ўтирганлар шериклари юзига эмас, телефонларига қарашяпти. Ойла ичида самимий сўхбатлар қамайди. Фарзанд ота-онасига дардини эмас, телефониди “story”сини кўрсатади. Дўстлар эса ўзаро дардлашишни эмас, “лайк” йиғишни муҳим деб билади.

Яқинда юқори лавозимда ишлайдиган бир инсон катта йиғинда ачиниш билан гапириб қолди:

– Ойлаимизнинг барча аъзолари турли масъулиятли ишларда ишлаймиз. Мен шаҳарда, аёлим тадбиркор бўлгани

боис, ҳовлимиз жойлашган туманда фаолият юритади. Фарзандларимнинг бири оиласи билан пойтахтда, бири чет элда ўқийди. Ойла аъзоларимиз, набираларим тўпланди. Энди маза қилиб сўхбатлашамиз, десам, олти ойлик соғинчларимиз ортда қолиб, ҳамма телефонга тикилганча ўтирибди. “Болаларим сизларни соғинганман”, деб телефонларини йиғиштириб қўйсам, ранжигандай бўлишди. Наҳот оиладаги ришталар бир парча темир орқали совиб бораётган бўлса... Огоҳ бўлайлик! Эртага жуда қийин бўлиши аниқ, – деди у куюнчақлик билан.

Ҳа, бу қарамлик фақат ижтимоий ҳаётимизни эмас, руҳиятимизни ҳам емирмоқда. Телефон тўғрисидаги парчаланган оилалар, тирик етим бўлаётган болалар ҳақида гапиришим кўпчиликка малол келади. Энг аввало, инсон миёси дам олиши, сокинликка чўмиши керак. Аммо телефон доимий қалғитувчи. Экран ортдаги ахборот оқими миянинг тинчини бузади, одамни сабрсиз, жаҳлдор, безовта қилади. Оқибатда кичик сабаб билан “портлайдиган”, ҳеч

нарсаси тоқат қилмайдиган бир авлод шаклланамоқда. Соғлиқ эса... экран ортда сўнмоқда.

Узоқ вақт экранга тикилиш кўз, умуртқа ва асаб тизими учун қанчалик зарарли эканини мутахассислар оғохлантириб келмоқда. Кечаси ухламасдан телефон титкилаш – уйку бузилиши, чарқоқ, стресс ва ҳаттоки депрессияга сабаб бўлмоқда. Бола организмиз эса бу босимга умуман тайёр эмас.

ЧОРА БОРМИ? АЛБАТТА, БОР!

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Технологияга хизмат қилмайлик, уни бизга хизмат қилдирайлик. Ойла аъзоларингизга вақт ажратинг, телефонга қарам бўлиб қолманг, дўстларингиз билан кўпроқ қўришиб туринг. Фарзандларингизга телефон эмас, меҳр беринг. Ана шунда ҳақиқий мулоқот, чинакам инсонийлик тикланади.

УНУТМАЙЛИК: телефон юрагимиздаги бўшлиқни тўлдиролмайди. Фақат тирик сўз, тирик нигоҳ, чин даррдошгична буни уddалай олади.

Гулчехра АҲМЕДОВА.